

"ТАСДИҚЛАНГАН"
“Худудий электр тармоқлари” АЖ
Ягона акциядорининг
2019 йил 29 июлдаги 3-сонли
қарори билан

"ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ" АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТИ ЯГОНА АКЦИЯДОРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

Тошкент – 2019й.

МУНДАРИЖА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	Ошибка! Закладка не определена.
II. ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ.....	4
III. ЯГОНА АКЦИЯДОР КЎРИБ ЧИҚИШИ УЧУН ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ..	Ошибка! Закладка не определена.
IV. АКЦИЯДОРГА МАСАЛАЛАРНИ (САВОЛЛАРНИ) КИРИТИШ	7
V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР	
Ошибка! Закладка не определена.	

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Ягона акциядорининг мақомини ва унинг қарор қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг (Кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Акциядорлик жамиятларининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича Комиссиянинг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сон мажлиси баённомаси билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув Кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган. .

3. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига мувофиқ, барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда, акциядорларнинг умумий йиғилишлари ўтказилмайди.

Ушбу қонун ва жамият уставида акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ва ёзма шаклда амалга оширилади. Шу билан бирга, ушбу бобда акциядорларнинг умумий йиғилишини тайёрлаш, чақириш ва ўтказиш тартиби ва муддатларини белгилайдиган қоидалар қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш вақтига оид қоидалар бундан мустасно.

4. Жамият ҳар йили молиявий йил якунлангандан сўнг олти ойдан кечиктирмай йил якунини кўриб чиқишга мажбурдир.

5. Йил якуни бўйича Ягона акциядор томонидан Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш, ижроия орган раҳбарини муддатини узайтириш, қайта сайлаш ёки шартномани бекор қилиш масалалари, шунингдек жамиятининг йилик ҳисоботи, ижро этувчи орган ва жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чоратadbирлар тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

6. Ягона акциядор томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ умумий йиғилиш ваколатига кирадиган бошқа қарорлар ҳам қабул қилинади.

7. Тегишли қарорларни қабул қилиш учун акциядорга масалалар киритиш тартиби ва санаси, акциядорлар умумий йиғилишга тайёргарлик кўриш учун тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) рўйхати жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

II. ЯГОНА АКЦИЯДОРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

8. Ягона акциядор ваколатига қуйидагилар қиради:

жамият уставига ўзгартиришлар ва кўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги тахрирда тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш (тугатиш комиссияси) ва оралик ва якуний тугатиш балансларини иасдиқлаш;

жамият Кузатув кенгаши таркибидаги аъзолар сонини аниқлаш, уларни сайлаш ва ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг юқори ҳажмини аниқлаш;

жамиятнинг устав фондиди (устав капиталини) камайтириш;

ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

жамият ижро этувчи органи фаолияти иартибини белгилайдиган низомни тасдиқлаш;

Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларини бажариш бўйича мажбуриятни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабар шаклини тасдиқлаш;

жамият бошқарув органлари тўғрисидаги ва шунингдек ички назорат тўғрисидаги, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар қарама-қаршилиги (тўқнашуви) юзага келганда ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

мажбурий аудиторлик текширувни ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини аниқлаш ва унинг ҳизматлари учун энг юқори тўлов миқдорини белгилаш;

мустақил профессионал ташкилотлар-консултантларни жалб қилган ҳолда бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг жамиятнинг ривожлантириш мақсадларига мувофиқлигини таҳлил қилиш бўйича ҳар йили қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, тафтиш комиссияси аъзоларига мукофотлар ва компенсациялар тўлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

Жамият фаолиятнинг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиқиб, унинг йиллик ҳисоботи ва Бизнес-режасини, аниқ муддатлари белгиланган ўрта ва узок муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш;

Жамият фойдаси ва зарарини тақсимлаш;

хайрия (ҳомийлик) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби, шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

электрон почта орқали овоз бериш (электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда), шунингдек ўз ваколатларини вакилга бериш ёки видео-

конференс алоқа режимида умумий йиғилиш ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот бериб борадиган жамият раҳбарияти ва назорат органларининг ҳисоботининг шакли ва мазмуни бўйича талабларини белгилаш;

Кузатув кенгашиининг ва жамиятнинг тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколатлари доирасидаги масалалар бўйича ҳисобот ва ҳулосаларини эшитиш, шу жумладан жамиятни бошқариш бўйича қонунчилик талабларга риоя қилиниши бўйича ҳам;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акциялар жойлаштириш нархини (биржада ва қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари бозорида жойлаштирилиши) белгилаш;

акцияларни йириклаштириш ва майдалаш;

мол-мулк баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати қарор қабул қилинган санага жамиятнинг соф активлари миқдорининг эллик фоиздан кўпроғини ташкил этадиган йирик битимни жамият томонидан тузилиши тўғрисида қарор қабул қилиш;

аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш бўйича қонунчилик талабларига мувофиқ қарорлар қабул қилиш;

жамиятнинг жорий ҳўжалик фаолиятига оид битимларни белгилаш;

дивидендларни тўлаш тўғрисида, дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва ҳар бир турдаги акциялар учун тўлаш тартиби бўйича қарор қабул қилиш;

қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа масалалар бўйича ҳам қарор қабул қилиш.

9. Барча масалалар бўйича қарорлар якка тартибда қабул қилинади ва оддий ёзма шаклида тузилади.

10. Ягона акциядор ваколатига таалукли масалалар жамиятнинг кузатув кенгаши ва ижро этувчи органига қарор қабул қилиш учун берилиши мумкин эмас.

11. Акциядор қарор қабул қилаётган пайтда ички аудит хизмати ҳодимлари, аудиторлик текшируви ўтказган аудиторлик ташкилотининг вакили, Кузатув кенгаши ва ижро органи аъзолари иштирок этишга ҳақлидир.

12. Ижро этувчи орган аъзолари, Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси вакиллари, шунингдек аудиторлик ташкилоти вакиллари ўз органларининг ҳисоботлари билан акциядор томонидан қарор қабул қилишда шахсан иштирок этиши шарт.

13. Кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси аъзолари ва Бошқарув раиси лавозимида номзодлар акциядор уларнинг номзодини кўриб чиқаётганида қатнашишлари мумкин.

III. ЯГОНА АКЦИЯДОР ТОМОНИДАН КЎРИБ ЧИҚИШИ УЧУН ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ

14. Акциядор томонидан кўриб чиқиладиган маълумотларни (материалларни) сифатли тайёрлаш учун ижроия органи ва корпоратив маслахатчи (агар мавжуд бўлса) биргаликда қуйидагиларни амалга оширади:

ягона акциядор ёки жамият Кузатув кенгаши қарори билан танланган аудиторлик ташкилотлари билан аудиторлик текширувини ўтказиш, шу жумладан молиявий ҳисоботни Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланиши ва ташқи аудитни Халқаро аудиторлик стандартларига мувофиқ ўтказилиши бўйича, аудиторлик текширувини яқунлашнинг аниқ муддатларини кўрсатган ҳолда шартнома тузади;

Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ ташқи аудит ўтказилгандан сўнг, йиллик умумий йиғилиш кунидан камида икки ҳафта олдин халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни нашр (элон) этилишини таъминлайди.

Шунингдек, йил якуни бўйича маълумотларни тайёрлаш жараёнида Ижро этувчи орган қуйидагиларни ишлаб чиқади (тайёрлайди);

йиллик соф фойдани тақсимлаш бўйича лойиҳалар (зарарларни қоплаш) ҳар бир йўналиш учун асосларни илова қилган ҳолда;

жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва йиллик Бизнес-режаси лойиҳасини, шунингдек, ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясининг лойиҳасини;

Бизнес-режа параметрларининг бажарилиши ва жамиятнинг ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилган чора-тадбирлар тўғрисидаги ижро этувчи органининг ҳисоботини;

аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш бўйича танлов ўтказишни ва бошқалар.

15. Ижро этувчи орган маълумотларни тайёрлагандан сўнг, уларни кузатув кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим этади.

16. Акциядор учун материалларни тайёрлаш кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади ва у қуйидагиларни белгилайди:

акциядор томонидан кўриб чиқиладиган масалалар рўйхатини;

акциядорларнинг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш учун тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) рўйхатини.

17. Акциядорга кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган маълумотларга (материалларга) жамиятнинг йиллик ҳисоботи, жамиятнинг йиллик молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича аудиторлик ташкилоти ва тафтиш комиссиясининг ҳулосаси, жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, жамият уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки янги таҳрирдаги жамият уставининг лойиҳасини киритиш, шунингдек, жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегияси ва кун тартибидаги бошқа зарур

маълумотлар, шу жумладан умумий йиғилиш кун тартибидаги масла бўйича кузатув кенгашининг эгаллаган позицияси киради.

18. Акциядорга тақдим этилиши керак бўлган қўшимча маълумотларнинг (материалларнинг) рўйхати қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

19. Жамият акциядори молиявий йил тугаганидан кейин тўқсон кундан кечиктирмай жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига таклифлар киритиши, шу жумладан фойдани тақсимлаш, бошқарув ва назорат органлари аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиши мумкин.

20. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибидаги масала уни келиб чиқиш сабаблари кўрсатилган ҳолда езма равишда киритилади.

21. Жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодларни кўрсатиш бўйича таклифлар киритишда номзоднинг номи, унга тегишли бўлган акциялар сони ва тури (агар номзод, жамиятнинг акциядори бўлса), кўрсатилади.

22. Жамият Кузатув кенгаши акциядордан келиб тушган таклифларни кўриб чиқиши ёки белгиланган кун тартибига киритилишидан бош тортиши тўғрисида қарор қабул қилиши шарт.

23. Акциядор Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси таркибига у томонидан кўрсатилган номзодлар рўйхатига ўзгартириш киритиши мумкин.

24. Жамият Кузатув кенгашининг акциядор томонидан кўриб чиқилиши учун киритилган масалани акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритиш асосли равишда рад этиш тўғрисидаги қарори ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай акциядорга юборилади.

25. Жамият Кузатув кенгашининг акциядор томонидан кўриб чиқилиши учун киритилган масалани рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

IV. АКЦИЯДОРГА МАСАЛАЛАРНИ КИРИТИШ

26. Акциядор томонидан кўриб чиқилиши учун масалаларни киритиш Жамият кузатув кенгашининг қарорига биноан қуйидагилар асосида амалга оширилади;

ўзининг ташаббуси асосида;

тафтиш комиссиясининг талаби асосида;

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорнинг талаби асосида.

27. Кузатув кенгашининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш масалалари бўйича акциядор томонидан қарор қабул қилиш сабаблари қуйидагилар бўлиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, жамият уставига, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларига риоя қилмаслик;

Жамиятга зарар етказиш ва акциядорларнинг мулкӣ ҳуқуқларига, шу жумладан молиявий-ҳўжалик фаолиятининг сезиларли даражада ёмонлашуви, жамият фойдаси ва рентабеллигининг пасайиши, бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган ҳизматлар хажмнинг асоссиз пасайиши билан боғлиқ бўлган зарарлар оқибатида;

Жамиятнинг иқтисодий ночорлиги (банкротлиги) пайдо бўлиши аломатлари ёки таҳдиди, давлат бюжети, бюджетдан ташқари жамғармалар олдида ва ишчиларга иш ҳақини тўлаш бўйича барқарор қарздорликнинг вужудга келиши.

28. Акциядорнинг талабида кўриб чиқилиши керак бўлган масалалар, уларни киритиш сабаблари келтирилган ҳолда кўрсатилиши керак. Бунда Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатини тугатиш бўйича масалани кўриб чиқишда, кун тартибига Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш масаласи ҳам киритилади.

29. Жамият Кузатув кенгаши Жамият Тафтиш комиссиясининг талабномасига биноан Акциядор томонидан кўриб чиқиладиган масалалар тахририга ўзгартириш киритишга ҳақли эмас.

30. Акциядор томонидан масалани кўриб чиқиш тўғрисидаги талабнома, бундай масалани кўриб чиқишни талаб қилаётган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

31. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси томонидан берилган талабнома 10 кун ичида Жамият Кузатув кенгаши тарафидан тгишли қарорни қабул қилиш учун материалларни Акциядорга тақдим қилиниши ёки уни кўриб чиқишни рад этиш сабабларини кўрсатилиши керак.

32. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясининг талабига биноан акциядор томонидан кўриб чиқишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишни мумкин, агар:

кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалар акциядорнинг ваколатига кирмайдиган бўлса;

кун тартибига киритиш учун таклиф қилинган масалалар қонунчилик талабларига жавоб бермаса.

33. Кузатув кенгашининг акциядор томонидан кўриб чиқилган масалалар тўғрисидаги қарори ёки уни кўриб чиқишни рад этиш тўғрисидаги асосли қарор, уни қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай, уни чақиритишни талаб қиладиган шахсга юборилади.

34. Жамият Кузатув кенгашининг акциядор томонидан кўриб чиқилишини рад этиш тўғрисидага қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

V. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

35. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши мумкин.

36. Агар ушбу Низомнинг баъзи бир бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва/ёки Жамият Уставига зид бўлса, ушбу моддалар ўз кучини юқотади ва ушбу моддалар билан тартибга солинадиган масалалар ушбу Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва /ёки Жамият Уставидаги меъёрлар билан тартибга солинади.